

КАРИМ РАҲИМОВ



# ДИЛБАР

РАССОМ А. НАЗИРОВ



ЎзССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1957

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

*На узбекском языке*

К. РАХИМОВ

ДИЛЬБАР

*Рассказы*

*Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1957*

Редактор *П. Муҳаммадёрова*

Рассом *М. А. Назиров*

Техн. редактор *Я. Пинхасов*

Корректор *М. Миртожиев*

Босмахонага берилди 30/III-1957 й. Босишга  
рухсат этилди 17/VII-1957 й. Формати 60×92<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
2,5 босма л. 2,5 шартли босма л. Нашр л. 1,64.  
Тиражи 30000. Индекс: *б/а*. ЎзССР Давлат  
Бадий Адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий  
кўчаси 30. Шартнома № 505—56.

---

ЎССР Маданият министрлиги Ўзглавиздати-  
нинг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза  
кўчаси, 33. Заказ № 1109. Баҳоси 75 т.



## РОСТ ГАПИРИШ ЯХШИ

БОҒЧАДАН келган Одил будильник ушлаб турган бувисининг олдига чошиб келди. У, оппоқ, семиз қўллари тумбочкага тираб, кампирнинг ажин босган, мулоийим юзига тикилди-да:

- Бувижон, нима қиялпсиз? — деди.
- Соатни бураяпман, — деб жавоб берди бувиси.
- Бураб нима қиласиз? — деб сўради Одил, қизиқиб.
- Бурамаса қорни очиб қолади-да, — деди бувиси.
- Бураса-чи?
- Бураса, эрталаб жиринглаб, опанг Гулсарани мактабга, сени боғчага уйғотади, — деди бувиси Одил.

нинг бошини силаб. Кейин будильникни тумбочка устига қўйди.

— Бувижон...— деб эркаланди Одил. Бироқ айтмоқчи бўлган сўзини айта олмай тамшаниб қолди. Буни сезган кампир меҳрибонлик билан:

— Нима дейсан? — деб сўради.

— Мен ҳам битта жиринглатиб кўрсам майлими?

— Болам, соатни бўлар-бўлмасга жиринглатаверса бузилиб қолади-да...

— Хўп дея қолинг, бувижон. Фақат биттагина жиринглатаман, холос,— деб ялинди Одил. Унинг шундай жиринглатгиси келар эдики, нимасини айтасиз... Бувиси унинг илтимосини қайтармади.

— Хўп, майли, болам, майли!

У соатни қандай жиринглатишни ўргатди. Одил бўвисининг айтганини қилиб, тепасидаги кичкина ғилдиракчага ўхшаган винтни ўнг томонга бурай бошлади. Будильник бирам қаттиқ жиринглаб кетдики, у қўрққанидан соатни полга ташлаб юбораёзди.

Бувиси:

— Эҳтиёт бўл, синдириб қўясан! — деди.

Одилнинг қўлидан будильникни олиб буради, кичкина стрелкасини саккиз рақами устига суриб қўйдида, ҳовлига тушиб овқатга уннаб кетди. Одил эса анчагача будильникдан кўз узмай тикилиб турди. Яна жиринглатгиси келарди. Деразадан секин ҳовлига қаради. Ҳавлида ҳеч ким йўқ. Бувиси бўлса, ўчоқ бошида овқат қилиш билан овора. Унинг қулоғи оғир, эшитмайди. Одил севиниб кетди, чопиб бориб, кроватга чиқдида, соатни олиб, бувиси ўргатгандек соатнинг кичик винтини олдида тортди. Лекин соат жирингламади. Одил ҳайрон бўлди: «Нега жирингламаяпти экан-а?»  
**Шу пайтда соатнинг орқасидаги винтини бурамагани**

эсига тушди. Кейин, у ёқ-бу ёққа аланглаб олиб, секин ўша винтни бурай бошлади. Стрелка 8 га келган ҳам эди, соат яна ҳалигидек жиринглади. Одил аввал бир чўчиб тушди, кейин севинчи ичига сиғмай кетди.

У жиринглатишга жиринглатди-ю, лекин қандай қилиб аввалгидек бураб қўйишни билмади. Ҳар қанча уринди бўлмади. Терлаб кетди. Диққати ошди. Охири соатни тумбочка устига секин қўйиб қўйди-да, кўчага қараб югурди...

\* \* \*

— Ҳай, Гулсара, тезроқ тур, болам, тезроқ. Мактабга кеч қолдинг.

Бувисининг товушини эшитиб, сапчиб ўрнидан турган Гулсара шошиб соатга қаради.

— Вой, кеч қолибман-ку? Нега соат жирингламади?

— Эшитмагандирсан-да, қизим. Мен ҳам қаттиқ ухлаб қолибман,— деди-да, кампир Гулсаранинг кийимларини олиб берди... Кейин соатни олиб у ёқ-бу ёғини кўздан кечира бошлади. Шунда кампир қўнғироқ стрелкасининг 6 устида турганини кўриб, ҳайрон бўлди.

— Гулсара, сен соатга тегмадингми, қизим?

— Йўқ.

— Бўлмаса нега стрелкаси 6 га келиб қолибди?

Уйғоқ ётган Одил кроватдан секингина тушди-да, лип этиб, ташқарига чиқиб қочди.

— Ҳа, уканг ўйнабди-да, — деди буни фаҳмлаган кампир.

Нега уришмадингиз? — деди Гулсаранинг аччиғи келиб.

— Майли, ўзим уришиб қўяман, тез бўл, кеч қола-сан,— деди кампир.

Шу-шу Гулсара ҳар куни ётиш олдидан: «Одил, соатга тегмадингми?» деб сўрар эди. Одилнинг: «йўқ, тегмадим» деган сўзига ҳам ишонмай, соатни кўздан кечирадиган бўлиб қолди.


Бу Одилга алам қилди. Бир куни йиғлагундай бўлиб бувисига шикоят қилди:


— Бувижон, соатга тегмасам ҳам, нега опам ҳар куни: «соатга тегмадингми» деб, сўрайверади?—деди.

— Чунки сен уни алдагансан-да,— деди кампир.— Агар сен бировни бир марта алдасанг, кейин минг рост гапирсанг ҳам ишонмай қўяди.

— Энди ҳеч ҳам алдамайман, ёлғон ҳам гапирмайман,— деди Одил бувисига эркаланиб.

— Ҳамма вақт рост гапириш яхши, болам,— деди бувиси.





## Х И Ж О Л А Т

РАЗЗОҚ велосипедини олиб кўчага чиққанда, ўртоқлари Петя билан Қурбон доира ўртасига чиллакларини териб қўйиб, «чизиқдан чиқариш» ўйнашаётган эди.

Раззоқнинг велосипедини кўрган ўртоқлари унинг олдига келиб, велосипедига ҳавас билан тикилишди. Велосипедининг ғилдираклари қизил, рули оппоқ, қўнғироқчаси эса ойна сингари ялтираб турарди.

— Велосипедингни ким олиб берди? — деб сўради Петя Раззоқдан.

— Дадам, — деб жавоб берди гердайиб Раззоқ, велосипеддан тушмасдан.

— Ух-ў, қўнғироғи жуда ажойиб-ку,— деди Қурбон, миқти бармоқлари билан қўнғироғини жиринглатиб.

— Икки ғилдиракли бўлгандан кейин қўнғироғи ҳам яхши бўлади-да. Бўлмаса, тез юрганда одамларни босиб кетмайдими?— деди Раззоқ.

— Бизнинг велосипед ҳам қолишмайди,— деб гапга аралашди Петя,— худди ЗИМнинг ўзи.

— Ва-а, меники ЗИМ дан ўтади,— деди Раззоқ яна мақтаниб.

— Қани, бўлмаса бир миниб кўрай-чи? — деб сўради Қурбон.

— Нега энди?

— Қани, икковимиз бир миниб кўрайлик-чи, ростмикин?

— Йўқ, дадам уришади.

— Вой-бў, мунча. Билдик, хўп велосипеднинг бор экан!— деди Қурбон лабини буриб.

— Бизнинг велосипедни ҳар куни минардинг-ку! — деди Петя дўқ қилиб.

— Энди минмайман,— деди Раззоқ. «Мана, кўриб қўйинглар» дегандек яна велосипедини физиллатганича ҳайдаб кетди. Бирдан гуп этиб йиқилиб тушди-ку. Велосипеднинг олдинги ғилдираги кичкина ариқчага тушиб кетган эди. Уни кузатиб турган Петя билан Қурбон олдига югуриб боришди.

— Ёмон йиқилдингми?— деб сўради Петя Раззоқнинг қўлидан тортиб турғизаркан.

— Йўқ, унча эмас,— деди уялиб кетган Раззоқ ва тура солиб Қурбон ушлаб турган велосипедига ёпишди. Миниб ҳайдамоқчи бўлган эди, велосипеднинг занжири айланди-ю, бироқ велосипед юрмади. Петя ушлаб қолмаганида Раззоқ яна йиқиларди. Велосипед-



нинг занжири чиқиб кетган эди. Раззоқ қўрқиб кетди. Унинг кичкина, қора кўзлари пирпираркан:

— Энди нима қиламан, бузиб қўйдим,— деди йиғламсираб.


— Ҳозир тузатиб берамиз, қўрқма,— деди Раззоққа далда бериб Қурбон. Кейин занжирни арра тишига ўшхаган велосипед чархига солди.

— Мана,— деди Петя. Қурбон ҳам унга қўшилиб «тузатдик» деб қўйди, катталардек салмоқ билан. Раззоқ уялиб кетди.

— Олинглар, миниб кўринглар,— деди секин.— Дадам уришмайди, минаверинглар.

— Раҳмат, ўзимизнинг ҳам велосипедимиз бор,— дейишди Қурбон билан Петя.





## ОДОБЛИМАН

ҲАЛИЛ билан Комил эшик олдида қум ўйнаб ўтиришар эди. Уларнинг олдидан ўрта ёшдаги бир киши ўтиб қолди. Бирдан Комилнинг эсига дадасининг айтган гапи тушди, у:

— Салом, амаки,— деди-да ўрнидан сакраб турди.

— Кўп яша, ўғлим, кўп яша. Жуда одобли бола экансан-да, отангга раҳмат! — деди ҳалиги киши. Кейин нима учундир Ҳалилга қараб бошини қимирлатиб қўйди.

— Ана, кўрдингми, мен одобли боламан,— деди хурсанд бўлиб Комил,— дадамга раҳмат дедилар. Сенга бунақа демадилар.

— Ҳа, билар экансиз,— деди бирдан Ҳалил пешонасини тириштириб,— менга ҳам айтдилар!

— Айтмадилар!

— Менга айтдилар!

— Айтмадилар!

— Бўпти, юр сўраймиз,— деди Ҳалил ҳалиги киши кетаётган томонга қараб.— У киши унча узоқлашиб кетмаган экан.

— Амаки, амаки, тўхтанг! — деганларича Комил билан Ҳалил чошиб кетишди.

Болаларнинг товушини эшитган киши ҳайрон бўлиб орқасига қаради-да, тўхтади.

— Мени одобли деб айтдингиз-а? — деди Ҳалилдан олдин борган Қомил.

— Менга қайси бирингиз салом берган бўлсангиз, шунга айтдим! — деди киши кулиб.


Қомил «ана кўрдингми» дегандек боши билан Ҳалилга имлаб қўйди. Ҳалил нима дейишини билолмай ерга қаради.

Шу пайтда бир чол ўтиб қолди.

— Салом ота! — дейишди Ҳалил билан Қомил.

— Эй, саломат бўлинглар. Кўп ақлли, одобли болалар экансиз-да — деди чол. Ҳалил бўлса:

— Ана, мен ҳам одобли бўлдим,— деб қичқириб юборди севинганидан.





## ПАРКДА

ДАМ олиш кунни эди. Саври опа биринчи синфда ўқийдиган олоқ, юмалоқдан келган қизи Севар билан, боғчага қатнайидиган ўғли Ҳошимни олиб паркка борди. Парк киши баҳрини очадиган кўм-кўк, чиройли. Унда катта-катта дарахтлар шохларини эгиб, соя солиб туради. Шохдан-шоҳга сакраб, қувноқ қушлар шўх сайрайди. Айниқса қатор пол-пол бўлиб очилиб ётган гулларни айтмайсизми. Севарнинг кўйлагидаги гулларга ўхшаб қизил, оқ, сариқ, ҳаво ранг пушти ранг — кишининг ҳаваси келади.

Онаси Севар билан Ҳошимни паркни айлантириб қизиқ-қизиқ ўйинларни кўрсатди. От ўйинга тушиб, маза қилишди. Шундан кейин Саври опа икковига биттадан мороженое олиб берди-да, бир оз дам олиш учун гуллар ёнидаги скамейка олдига келишди. Аммо Севар билан Ҳошим ўтирмай, гулзорнинг гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига ўтиб, гулларни томоша қила бошлашди.

— Вой, Севар опа, ану гулларни қаранг. Хўрозимнинг қалпоғидака қип-қизил-а,— деди Ҳошим, маза қилиб мороженое еяр экан.

— Бу боғ-чи, ҳамма одамларнинг боғи-да. Шунинг учун энг яхши гуллар ўсади.— Ҳар бир сўзини донадона қилиб гапира бошлади Севар.— Бизга опамиз шунақа деганлар.

— Вой, бу ҳамманинг боғими?— бирдан Ҳошимнинг кичик қўй кўзлари катта очилиб кетди.

— Ҳа.

— Ғаниларникиямми?

— Ғаниларники ҳам.

— Бизаникияммми?

— Албатта. Ҳамманики.

Ҳошим беҳад хурсанд бўлиб кетди.

— Жуда яхши-я,— деб қўйди у, гулларга ҳавас билан тикиларкан.— Севар опа, битта ану гулни олийми?

— Йўқ, одамлар уришади.

— Майли дея қолинг. Бўлмаса кўрсатмай ўзингиз олиб беринг.

— Йўқ дедим-ку? Агар гулни узсанг, қоровул қулоғингни кесиб олади-я,— деди Севар.— Эсингдан чиқдимми, ойим бировнинг нарчасига тегманглар, деб айтганлар-ку.

— Барибир ўзимизники-ку.

Шу вақт Саври опа Севарни чақриб қолди. Севар чопиб ойисининг олдига кетди. Ҳошим бўлса қўрқа-писа у ёқ-бу ёққа бир аланглаб олди. Кейин чопганича гулзорнинг ўртасига тушиб, кўзига чиройли кўри-ниб турган катта қизил гулни шартта узиб олди. Узоқдан кимдир: «Ҳай, гулга тегма!» деб қолди-ю. Ҳошим шошилганидан қоқилиб, бир думалаб тушди. Унинг чап оёғидаги янги сариғ шиппаги ечилиб кетди. У бир қўлида шиппагини ушлаб, иккинчи қўлида гулни чангаллаганича ойисининг олдига чопиб борди.

— Ҳа, нима қилди, ўғлим? — деб сўради ҳайрон бўлиб Саври опа. Бирдан унинг қўлидаги гулни кўрди:

— Ие, буни қаердан олдинг?

Ҳошим нима дейишини билмай:

— Ҳув, анави ердан, — деди қўли билан гулзор томонни кўрсатиб.

— Вой, сенга олмагин деган эдим-ку! Ойижон, гулга тегмагин десам ҳам тегибди-я! — деди Севар.

— Мунча беодоб, ёмон бола бўлдинг? — деди ойиси куйиниб. Ҳошим тўсатдан:

— Мен ёмон боламанми? — деди йиғлагундек бўлиб.

— Бировнинг нарсасини сўрамай олган болани яхши деб бўладими?

— Нега энди ёмон бўлар эканман? Севар айтди-ку, бу боғ бизаники ҳам деб.

— Бу ҳамманинг боғи, ўғлим. Ҳамма гулзордан биттадан гул олса, гул қолмайди. Боғда гул очилиб турса, одамлар кўриб қувонади. Қани дарров ўз ўрнига қўйиб кел!

— Қулоғимни қоровул чўзса майлими, кўрқаман-де, — деди Ҳошим.

— Йўқ, сен олиб борсанг чўзмайди.

Ҳошим гул̄ни олиб борганида, қоровул чол босилган гулни тузатмоқда эди.

— Мана ота, гулингиз,— Ҳошим гулни чолга узатди. Чол «бу гулни сен узганмидинг?» дегандек хумрайиб қаради:

— Яхши бола ҳам гулни узадими?

— Энди ҳеч узмайман,— деди уялиб Ҳошим ва чол қулоғини чўзмаганидан севиниб, онасининг олдига югуриб кетди.





## УЖАР ҚИЗЧА

— ОЙИ, гулларимга сув қуяман,— деди Васи́ла, бир қўли билан парча-парча қизил гулли куйлагининг этагини ушлаб, бир қўлига катта челақни олиб.

— Майли, қизим,— деди ўчоқ бошида овқат қилаётган Қумри опа. — Катта челақни қўй, кўтара олмайсан. Кичкина челақчангни ола қол.

— Йўқ, ойи, кўтара оламан. Акамлар ҳам шу челақда сув қуйганлар-ку,— деди челақни кўтариб Васи́ла.

— Ахир, аканг сендан катта-да.



— Вой, мен кичкинаманми?— қовоғини солиб деди Васида. Унинг шўх қора кўзлари пириллаб кетди.

— Ҳа, ҳали сен акангдан кичиксан, қизим,— деди жилмайиб Қумри опа.

— Йўқ, мен кичкина эмасман! Мана ҳозир катта челлакда сув олиб келганимда кўрасиз,— деди-да, Васида катта челлакни кўтарганича эшикка чопиб чиқиб кетди.

Шарқираб сув оқаётган ариқнинг олдида қўшниларининг ўғли Зокир китоб ўқиб ўтирарди. Шу пайтда Васида катта челлакни кўтарганича чиқиб қолди. Сув оладиган ердаги зинапоя сирпанчиқ эди. Васида зинапояга бир-икки қадам қўйди-ю, сирпаниб кетишидан кўрқиб, орқасига қайтди.

— Челагингни менга бер. Мен сув олиб бераман,— деди Васидага тикилиб турган Зокир. Васида лабини буриб:

— Ўзим ҳам оламан,— деди ўжарлик қилиб.

— Йиқилиб кетасан. Зинапояни кўряпсанми сирпанчиқ,— деди Зокир.— Челагинг ҳам катта!

— Йўқ, йиқилмайман! — деди Васида ва зинапоядан дадил юриб туша бошлади. Лекин зинапоянинг ўртасига етганда бирдан оёғи сирпаниб кетди-ю, чалқанчасига йиқилиб тушди. Қўлидаги челлак бўлса тақир-туқир қилиб ариққа тушиб кетди.

— Вой, ойи, челлак оқиб кетди, ойи, челлак! — деди Васида йиғлаганича ўрнидан апил-тапил тураркан.

— Йиғлама, ҳозир челлакни олиб бераман! — деди-да, Зокир Василани зинапоядан чиқариб қўйди.

Кейин ариқдан челлакни олди, Васида кўтара оладиган қилиб челлакда озгина сув ҳам олиб берди. Шу пайтда эшикдан шошиб онаси Қумри опа чиқиб қолди.

Васида онасини кўриб, хўнграб йиғлаб юборди.

— Ҳа, нима қилди?— деди Қумри опа.

— Мен сув олиб берай десам, сўзимга кирмай зинапоёга йиқилиб тушди,— деди Зокир бир Василага, бир Қумри опага қараб.

— Мана, кўрдингми қизим, катталарнинг сўзига кирмасликнинг фойдаси,— деди Қумри опа.— Энди бундай қилма, хўпми?





## РОСТГУИ ОЙНА

МАВЖУДА иссиқ ўрнидан эринибгина турди, оғзини катта очиб эснади. Тиқмачоқдай юмалоқ семиз мушти билан кўзини ишқалай бошлади. Шу вақт уйга Манзура опа буғи осмонга уриб турган самоварни олиб кирди.

— Қани ўзимнинг оппоқ қизим, ширин қизим, дарров юз-қўлингни ювиб кела қол,— деди Манзура опа.

Мавжудага онасининг: «юз-қўлингни ювиб кела қол» дегани ёқмади. У қовоғини осилтирганича ўзича нимадир деб пўнғиллади-да, юзини ювмасдан стол ёнига келиб ўтирди.

— Вой, Мавжуда, юз қўлингни ювмайсанми, чой ичамиз,— деди онаси Арофат. — Тез бўла қол, бўлмаса богчангдан кеч қоласан; ҳозир Аҳрор чақириб қолади.

— Ювинганман-ку, ўжарлик билан деди Мавжуда.

— Қачон ювиндинг? Юзингга қара, кир-ку. Кеча кечқурун роса тўполоннинг тўпписини чиқариб, ювинмай ухлаб қолибсан.

— Алдавогсиз!

— Мана, ишонмасанг ойнага бир қараб қўй! — деб Арофат токчадан ойнани олиб унга узатди. Мавжуда ойнада ўзини кўрди-ю, чўчиб кетди. Нега десангиз кўзгудан унга ифлос бир қиз бақрайиш қараб турар эди. Қора, жингалак сочлари ҳурпайиш кетган.

— Вой, бу мен эмас! — деди Мавжуда ойнадан юзини ўгириб.

— Бўлмаса ким? — деб кулди Арофат. — Ишонмасанг яна бир қара!

— Менинг юзим бунақа эмас! — деди Мавжуда йиғламсираб. — Ойнангизнинг ўзи ёмон!

Шу вақт уйга онаси кириб қолди.

— Ие, ҳали ҳам юз-қўлингни ювмадингми, қизим? — деди Манзура опа. — Ахир оппоқ, ақлли қиз ҳам шунақа бўладими?

— Йўқ, ойи, ҳозир ювинади,— деди Арофат, — ювинасан-а, Мавжуда? Агар ювинсанг-чи, ойнада юзинг оппоқ бўлиб кўринади.

— Ростданми, опа?

— Рост.

Арофат умивальникда Мавжудани яхшилаб ювинтирди.

Сочларини бўлса тароқ билан чиройли қилиб таради. Юз-қўлини оппоқ сочиғига артди.

— Қани энди ойнага бир қара-чи,— деди Арофат.

Мавжуда ойнага қараган эди, худди очилган гулдек яшнаб турган ўз аксини кўрди.

— Сўзим рост эканми? Оппоқ бўлсанг ойна ҳам оппоқ қилиб кўрсатар эканми? Бу ҳеч ёлғон гапирмайдиган ростгўй ойна!





## КУЗОЙНАК

БОЛАЛАР доктор-доктор ўйнашаётган эдилар. Шу вақт уйдан чиқиб келган Рустам:

— Ҳаммангдан катта мен бўламан! — деб қолди.

— Ҳо, нега энди катта бўларкансан? — деди унга қараб Тожибой, Жўра билан Манзура ҳам ҳайрон бўлиб Рустамга тикилишди.

— Чунки кўзойнагим бор! — деди Рустам, киссасидан кўзойнагини олиб кўрсатди. — Мана, бу кўзойнакни кўзимга тақсам-чи, боғчамиздаги катта докторнинг

ўзи бўламан. Опамиз «энг катта доктор шу» деганларку!

— Вой, ростданми? — деб сўради Манзура, боши рўмол билан боғланган «касал» қўғирчоғини овутиб.

Костюмни халатга ўхшатиб, олдини орқасига қилиб кийиб олган Жўра:

— Рост, жуда ўхшайсан,— деди.

— Ие, катта докторнинг халати бор эди-ку,— деб гапга аралашди Тожибой, қўлидаги «дори»ни қоғозга ўраб. — Сеники йўқ-ку?

— Меники ҳам бор.

— Қани?

— Ҳозир бувим тикяптилар, эртага боғчага кийиб бораман. Ўшанда кўрасан. Дадам шунақа кўзойнак ҳам олиб келиб берадилар.

— Ҳа, бу-чи?— деб сўради Манзура.

— Бувисиники-ку. Қара, ҳар кўзи косадай бор-а?— деди Жўра Рустамнинг бурни устида зўрға илиниб турган кўзойнакни кўрсатиб.

— Нима, хўжайинмисан! — деди жаҳл билан Рустам.

Шу пайт нима бўлди-ю, кўзойнак «чиқ» этиб тошга тушиб, чил-чил бўлиб кетди.

— Энди нима қиламан?— деб синган ойнакни ушлаганча йиғлай бошлади Рустам.

— Ойнаси бўлмаса нима қилади?— деди Жўра бир кўзойнакнинг синиғига, бир Рустамга тикилар экан.

— Ойнасиз бўлмайди,— деди Манзура.

Шу вақт эшикдан Рустамнинг бувиси чиқиб қолди.

— Ҳа, Рустамжон, нимага йиғлаяпсан?— деди бувиси ва синиб ётган кўзойнакни кўриб, бўлган воқиага тушунди. — Э-э, боласи тушмагур-эй. Ҳеч тиниб-тин-

чимадинг-да. Нега сўрамасдан менинг нарсамга тега-сан? Мен энди нима қиламан? Мана халатинг ҳам битмай қоладиган бўлди. Кўзимга тушадиган ойнак олгунимча тиколмайман-да!

Бувисининг кўзойнагини сўрамай олганига хафа бўлган Рустам бошини қуйи солган ҳолда:

— Энди ҳеч нарсангизни сўрамай олмайман, буви-жон, — деди-ю, яна ҳўнграб йиғлаб юборди.







## МЕН ҚИЗҒОНЧИҚ ЭМАСМАН

ҲАДИЧА опа қизи Ферузага бир томони кўм-кўк, иккинчи томони қип-қизил коптокча олиб келиб берди. Бунни кўрган Ферузанинг севинчи ичига сиғмай кетди.

— Айланай ўзимнинг ойижонимдан,— деди Феруза коптокчасини бағрига босиб. Онасининг бўйнига осилиб эркаланди, юзларидан «чўлп-чўлп» ўпиб олди. Кейин у коптокчасини ўртоқларига кўрсатиш учун зинғиллаганича кўчага чиқиб кетди.

Кўчада биринчи синфда ўқийдиган қўшни қизлари Адиба билан Ҳакима копток ўйнашмоқда эди.

— Мана, Адиба опа, бизнинг ойимиз-чи, копток олиб келдилар,— деди Феруза коптокчасини кўз-кўз қилиб.

— Вой, жуда яхши-я,— деди худди Ферузага ўшаган сочлари қоп-қора, қошлари ҳам қоп-қора шахло кўз Адиба.

— Ойимла шунақа яхшисидан олиб келиб берадилар-да.

— Менга бериб тур. Ўйнаб кўрай, яхши сакрарми-кан,— деди коптокчасига қизиқиб қолган Ҳакима.

— Ҳо, нега экан?

— Ейилиб қолмайди-ку, ўйнаб бераман,— деди Ҳакима.

— Йўқ, меники янги, кир бўлиб қолади.

— Вой, жиннивой, янги бўлса нима қилибди,— Адиба Ферузага лабини буриб қаради.— Мен ҳам коптогимни янгилигида ўйнатган эдим-ку.

— Ҳеч-да, аввал ўзингиз ўйнаб олган эдингиз. Ҳали ўзим ўйнаганим йўқ-ку!

— Эй, билдик. Сен қизғончиқ экансан,— деди аччиғланиб Адиба.

— Мен-а?

— Ҳа, сен!

— Ёлғон!

— Барибир сен қизғончиқсан, қизғончиқсан! — дейишди бирдан қизлар устма-устига. Тилларини чичаришиб, Ферузани масхара ҳам қилишди.

Феруза бирдан хўнграб йиғлаганича уйига чошиб кириб кетди.

— Ҳа, қизим, нега йиғлаяпсан? — деб сўради онаси йиғлаётган Ферузага тикилиб.

— Ану... Ану,— деди Феруза ўпкасини зўрға тутиб.— Адиба о-о-опам би-билан Ҳакима о-опам қизғончиқсан, дедилар.

— Нега?

— Қоптогимни ўйнайман, дейишди...

— Сен нима дединг?— деди қизига тикилиб она-си.— Сен бермадингми коптогингни?

— Ахир, янги-ку.

— Янги бўлса ҳам бериш керак, қизим. Қизғончиқ бўлиш ёмон одат. Қизғончиқ одамга ҳеч ким қўшилмайди ҳам. Уни ҳамма ёмон кўради.

Онасидан бу сўзни эшитган Ферузанинг кулча юзлари янги пишган ширмойи нондек қизариб кетди. У жон ҳолатда:

— Йўқ ойижон, мен қизғончиқ эмасман,— деди-да, коптогини қучоқлаганича кўчага югуриб кетди.





## ДИЛБАР

ИККИ юзи қип-қизил, дўмбоққина Дилбар уйнинг ўртасига ўтириб олиб, қайчи билан рангли қоғозни қийиб, қўғирчоғига кўйлак қилиб ўтирар эди. Дилбар стол устидан қўғирчоғини олиш учун ўрнидан турган эди, бирдан этагига йиғиб ўтирган майда қийқинди қоғозлар ерга сочилиб кетди. Уйга ёзилган гилам ифлос бўлди.

Дилбар дарров катта катта қоғозларни териб олди-да, коридорда турган супургини олиб, уйнинг бошидан тозалаб супуришга тушди.

— Уҳ-ҳў, она қиз деган шундай бўлсин-да. Ўзи менинг оппоқ қизим, ширин қизим, ақлли қизим катта бўлиб уй супурадиган бўлиб қолибди-ку,— деди қизига, қўлида бир даста коса кўтариб уйга кириб келган Саломат опа.

Супургини икки қўллаб маҳкам ушлаб, энгашиб жон-жаҳди билан супураётган Дилбар ялт этиб онасига қаради-да:

— Ойи, бу супургингиз ёмон экан. Одамни чарчат-япти, менга яхши, кичкина супурги олиб келиб беринг. Бунинг дастаси катта экан,— деди.

— Хўп бўлади, оппоқ қизим,— деди Саломат опа қўлидаги косаларни шкафга қўятуриб.

— Ойи, ўзингизга ҳам яхшисидан олиб келасизми? Бу ёмон-ку, сизни ҳам чарчатиб қўймайдими?

— Чарчатади қизим. Мана, супуриш шунақа қийин бўлади, шунинг учун булғатмагин, деб сени уришаман-да,— деди Дилбарга тикилиб қараб турган Саломат опа.

— Энди ҳеч ифлос қилмайман, супурги олиб келиб берсангиз, ҳар куни ўзим супураман. Боғча опамиз ҳам онангизга ёрдам беринг деганлар.

— Хўп қизим, эртага олиб келиб бераман,— деди қизини эркалатиб Саломат опа.

\* \* \*

Эртаси куни Саломат опа Дилбарга кичкинагина, чиройли, қип-қизил, дастаси ихчам қилиб боғланган супурги олиб келиб берди.

Дилбар энди ҳар куни эрталаб уйни супуради. У жуда озода қиз, ўртоқлари билан ўйнаганда ҳам тўполон қилмай, уйни ифлос қилмай ўйнайди. Чунки, у супуришнинг қадрига етади.





### КУЗ БОЙЛАҒИЧ

ИРОДА скамейкада расмли китоб кўриб ўтирар эди. Раъно билдирмасдан орқасидан секингина келди-да, оппоқ қўллари билан унинг икки кўзини маҳкам беки-тиб олди.

— Вой, ким бу?— деди Ирода уни ушлаш учун қўли билан тимискилаб.

— Топа қолинг,— деди, Раъно товушини ўзгар-тириб.

— Ҳалима.

— Йўқ.

— Лола.

— Топмадинг.

— Бўлди, топдим-топдим: Раъно!

— Ойнами, тароқми?— деди Раъно Ироданинг кўзини яна ҳам маҳкамроқ қисиб.

— Бор-эй, нега кўзимни қаттиқ беркитасан?— Ирода бирдан куч билан ўрнидан туриб кетди. — Иккинчи сен билан ойнами-тароқ ўйнамайман! — деб юзини бурди.

— Ўртоқликдан чиқибсиз-да, билдик! — деди Раъно, у ҳам тескари қараб олди.

— Шунақа!

Лекин Ирода Раънонинг: «Билдик ўртоқликдан чиқибсиз-да» деган сўзини эслаб, чўчиб кетди.

— Йўқ, ўртоқжон.

— Нега ойнами-тароқмини айтмайсиз. Ҳар куни айтар эдик-ку.

— Кеча-чи, кеча Лола билан ойнами-тароқ ўйнаган эдик, бугун кўзи оғриб қолибди. Боя ойиси айтди.

— Ростан-а?

— Ҳа-а...

Шу пайтда улар ойиси билан доктордан келаётган Лолани кўриб қолишди.


— Лола, энди ўйнамайсанми?— деди Ирода билан Раъно унинг қизарган кўзига тикилиб.

— Йўқ қизларим, энди Лола ҳеч кўз бойлағич ўйнамайди,— деди онаси ва қизини етаклаб уйи томон кетди.

Ирода билан Раъно Лоланинг орқасидан гуноҳкордек термулиб қолишди.







## ТОВУҚ ЗУР ЧИҚДИ

САЛИМ холасиникига келиб жуда қувониб кетди. Холасининг оқ, қора, сариқ жўжалари жуда кўп экан. Улар ҳовли билан бир бўлиб «чи-чи-чи» лаб юришибди. Салимнинг кичик қўй кўзлари катта очилди. Шўхлиги тутиб, қулочини кенг ёзди-да, тайтанглаганича жўжалар кетидан қувиб кетди. Донлаб юрган жўжалар эса чирқиллаб қочиб қолишди.

— Ҳой, Салимжон, қўй, қувлама,— деди холаси билан сўзлашиб ўтирган онаси Марҳамат опа.

— Битта... ҳу анави қорасини ушлаб олай,— деди Салим ғайратланиб.

— Нима қиласан? Барибир у сенга тутқич бермайди,— деди онаси.

— Тутқич беради. Ҳозир ушлаб оламан-да, тилла қўнғизга ўхшатиб, оёғидан боғлаб оламан,— деди Салим, чўнтагидан ип олиб кўрсатаркан.

— Ҳой, Салимжон, онаси жуда ёмон-а, яна кўз-пўзингни чўқиб олмасин. Қўй, ҳали ўзим ушлаб бераман,— деди холаси уни чақириб. Салим қулоқ солмади.

— Онасидан қўрқмайман! — деди-да, жўжаларни тирқиратганича қувиб кетди.

Салим бирпас бекиниб турди-да, кейин ҳовли ўртасида ранг-баранг бўлиб очилиб ётган гулларни тепкилаб, қулочини кенг ёйганича оёқ учида аста-аста юриб, жўжаларга яқинлаша бошлади. У худди ҳурпайган курк товуққа ўхшарди. Гулзор четидаги ўтлар орасидан қурт-қумурсқаларни териб еб юрган жўжалар уни сезмай қолишди.

Салим жўжаларга қараб югурди-да, худди ўша ўзи айтган қора жўжани ушлаб олди. Жўжа Салимнинг қўлидан чиқишга талпиниб чирқирарди. Боласининг товушини эшитган товуқ бўйнини ичига тортганича патларини ҳурпайтириб: «Боламини қўйиб юбор! Бўл-маса дабдала қиламан!» дегандек Салимга томон югурди. Биринчи марта товуқнинг бундай ҳайбатига дуч келган Салим қўрққанидан довираб, йиқилиб қолди.

— Вой ойи, ойи, вой ойи! — деб додлади. Товуқ ўткир тумшуғи билан унинг дуч келган ерини чўқиб, тарсиллатиб тепа бошлади. Салимнинг бўлса қўрққанидан жўжани қўйиб юбориш эсига келмасди.

Салимнинг товушини эшитган холаси билан ойиси югуриб ҳовлига тушишди. Холаси қўлига ёғоч олиб товуқни ҳайдади. Аммо, товуқ жон-жаҳди билан холасига ҳам ҳамла қила бошлади.

— Ҳой, Салимжон, жўжани қўйиб юбор! — деди ойиси ўғлини ердан турғизаркан.

Салим жўжани қўйиб юборди. Жўжа пилдираганича онасининг олдига чопиб кетди. Салим бўлса кўзларини мўлтиратиб, унинг орқасидан қараб қолди.

Товуқ зўр чиқди.





## АСАЛАРИ

СОБИР асал суркалган иккита қип-қизил кулчани кўтарганича боғда, ҳовуз бўйида ўтирган Эркиннинг олдига келди. Боғ жуда ҳам чиройли эди. Ҳовуз ёнидаги гулзорда оқ, қизил, пушти — ҳар хил гуллар очилган. Олма, ўрик, нок, нашватилар ҳосилини кўтара олмай, шохларини ерга буккан. Дарахтлар орасида асаларининг яшиклари қатор-қатор бўлиб кўриниб турибди. Асаларилар яшикларига тинимсиз ғувуллаб кириб чиқадилар. Собирнинг онаси Санобар опа донгдор асаларичи. У оқ халат кийиб олиб, асалариларга қараб юрибди.

— Ма,— деди-да Собир чап қўлидаги асал суркалган кулчани Эркинга бериб, унинг ёнига ўтирди.

— Вой, шакардан ҳам ширин-а? — деди оғзини тўлдириб нон чайнар экан Эркин.— Буни нимадан қилдинглар?

— Вой сен-ей, бу асал-ку, асални асалари тайёрлайди-да. — деди Собир кулиб.

— Собир, биласанми, кеча-чи бувим менга асалариларнинг подшосини айтиб бердилар. Агар подшосини ушлаб олсанг-чи, ҳамма асаларилар сенинг уйингга келар экан.

— Ростданми?

— Рост.

— Тўхта, подшосини бувинг кўрибдиларми?— деб сўради Собир Эркиннинг юзига маъноли тикилиб,— менинг ойим-чи кўрганлар.

Бирдан шу пайт улар ўтирган супа ёнидаги гулзорга анча асаларилар учиб келиб қолди. Улар тез-тез гулдан-гулга қўнишар, гулларнинг никтарларини эмиб, гул чангини бўлса «тўрва»часига солишарди.

— Ана подшоси! — деб бирдан Собир гулга қўниб турган чўзинчоқ, сариқ, семизгина асаларини қўли билан кўрсатди.

— Йўқ, у эмас, подшоси уйда,— деб жавоб берди Эркин, лабларини чўччайтириб.

— Бўпти, ҳозир ушлайман, кўрасан.

— Йўқ, ушлама. Қўлингни чақиб олади-я.

— Вой, қўрқоқ-эй, ўшандан қўрқаманми?! Ойимни чақмаган мени чақармиди?— деди-да Собир секин, оёғининг учида юриб унга яқинлаша бошлади. Лекин энди ушлайман деб қўлини узатган эди, асалари ғув этиб учиб кетди. Кейин нарироққа бориб очилиб ётган гулга қўнди-да, яна гулдан никтар эмиб, чанг ола бошлади.

— Оҳ, яшасин, энди ушлайман,— деб Собир севинганидан бақариб юборди.

— Э, тутқич бермайди,— деди Собирнинг орқасидан қичқариб Эркин. Собир қулоқ солмади. У яна худди аввалгидай ўша асалари қўниб турган гулнинг олдига бориб қолди. Севинганидан асаларини

гул аралаш чангаллаб олди. Асалари ҳам анойи эмас-да, бошлаб Собирнинг қўлига ўткир найзасини санчиб олди-ку. Оғриғига чидай олмаган Собир: «Вой қўлим, вой қўлим!..» деб асаларини ташлаб юборди. Аммо, асалари яна учиб кетмади. Майса ўт устига тушди-ю, қайтиб қимирламади.

Собирнинг товушини эшитган онаси Санобар опа: «нима бўлди?» деб ҳовлиқиб келиб қолди. Собир қўлини ушлаганича «вой қўлим, вой қўлим!» деб йиглар эди.

— Ҳа, нима қилди? Нима?— деб сўради Санобар опа.

— Қўлимни асалари чақиб олди,— деди Собир ўпкасини зўрға тутиб.

— Ўзи асаларининг подшосини ушлади-да,— деди Эркин ўт устида ўлиб ётган асаларини кўрсатиб.

— Вой, боласи тушмагур-эй,— деди Санобар опа Собирнинг қўлига лой суркаб,— нега асаларини ушлайсан? Ана, ўлиб қолибди.

— Йўқ ойи, мен ўлдирмадим. Ўзидан-ўзи қўлимни чақиб, ўлиб қолди,— деди кўз ёшини артиб Собир.

— Сен тегмасанг, бекордан-бекорга чақмайди,— деди Санобар опа.

— Ўзи-да, ушлама десам ҳам ушлади,— деди Эркин.

— Албатта, ҳар қандай жонивор ҳам ўзини сақлайди-да. Яхшиликка-яхшилик, ёмонликка-ёмонлик, деб бекорга айтишмаган, болам.

— Ойи, нега ўзидан-ўзи ўлади-я? — деб сўради хафа бўлиб Собир.

— Албатта ўлади-да, унинг найзаси ичаги билан бирлашган бўлади. Агар бирор нарсага найзасини санчса, яна қайтариб ололмайди, ичаги узилиб, ўлади.

Мана кўрдингми, асал йиғиб юрган бир асаларини ўлдирибсан,— деди Санобар опа Собирнинг қўлидан сиқиб чиқарган кичкина қора найзачасини кўрсатиб.

— Вой, бу подшоси эмасми? — деб сўради Эркин.

— Йўқ, Эркинжон, асаларининг подшоси бўлмайди,— деди Санобар опа,— унинг она ариси бўлади. У уйда ўтириб, болаларини тарбиялайди. Агар биронтаси тартибни бузиб, ёмон гулга қўнса, унинг бошини узиб ташлайди. Шунинг учун асаларилар одобли ва дўст бўлишади. Она арининг айтганидан чиқишмайди, ўғилларим.

Санобар опанинг гапига диққат билан қулоқ солиб турган Собир билан Эркин бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.



## М У Н Д А Р И Ж А

Рэст гапириш яхши . . . . .	3
Хижолат . . . . .	7
Одоблиман . . . . .	10
Паркда . . . . .	12
Ужар қизча . . . . .	16
Ростгуй ойна . . . . .	19
Кузойнак . . . . .	22
Мен қизгончиқ эмасман . . . . .	25
Дилбар . . . . .	28
Куз бойлагич . . . . .	31
Товуқ зур чиқди . . . . .	33
Асалари . . . . .	36

---